



# MILLIY TIKLANISH

34-35 (200) ● 2012 йил 29 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

**БАТАНИМИЗ** ва **халқимизнинг** барча соҳаларда қўлга киритган улкан ютуқлари ҳар бир юртдошимиз қалбида теран фахр уйғотиб, Ўзбекистоннинг энг тараққий этган мамлакатлар сафидан муносиб жой олишдек стратегик мақсади йўлида янада фидокорона меҳнат қилишга ундайди.



**МИЛЛИЙ** халқ ўйинларини оммалаштириш, уларга ёшларни кўпроқ жалб этиш орқали ёш иқтидор эгалари, спорт усталарини аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши шубҳасиз.



**ИСТИҚЛОЛ** йилларида мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида мисли кўрилмаган ўзгариш ва янгиланишлар кузатилмоқда. Юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.



2 СИЁСАТ

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

11 ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

● **ХАБАРЛАР**

### Танловнинг шаҳар босқичи якунланди

Пойтахтимизда "Энг намунали хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти" республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Унда туманларда ғолиб бўлган 22 бошланғич ташкилот иштирок этди. Олий ўқув юртлари орасида Ўзбекистон Миллий университети, корхона-ташкilotлар ўртасида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси, тиббиёт муассасалари ўртасида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, коллеж-лицейлар ўртасида Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежи, мактаблар ўртасида Шайхонтохур туманидаги 324-мактаб, маҳаллалар ўртасида Учтепа туманидаги "Ибрат" маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотлари ғолиб деб топилди.

### Меҳнат ярмаркаси

Самарқанд шаҳрида вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида "Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркаси" ўтказилди.

Тадбирда вилоятдаги 400 дан ортиқ йирик саноат корхоналари, кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари, хунармандлар, касаначилик меҳнатини ташкил қилган корхоналар, тадбиркорлар, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамда тижорат банклари 3,8 мингга яқин бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркада қатнашган фуқароларнинг икки минг нафардан ортиғи ўзига муносиб иш топди.

### Хизмат кўрсатиш янада такомиллашади

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан ўтказилган матбуот анжумани "Мустақиллик йилларида автотранспорт соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва эришилган ютуқлар" мавзусига бағишланди.

Анжуманда агентлик томонидан автотранспорт соҳасига ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши, жумладан, "SMS орқали маълумотлар базасидан сўров" интерактив хизмати ҳамда шаҳарлараро автобусларга ўрнатилган GPS тизими, шунингдек, агентлигининг келгуси иш режалари хусусида ҳам батафсил маълумот берилди.



## Буюк бунёдкорлик йўлида

*Мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлига кирганига ҳам 21 йил тўлмоқда. "Тарих учун бир лаҳзадек бўлган бу давр Ўзбекистон учун, халқимиз учун қандай кечди?", - деган савол, табиийки, ҳар биримизнинг қўлғимиздан ўтади ва беихтиёр Ўзбекистон эндиликда тенглар ичида — тенг, ўзбек халқи эркинларнинг эркини, хуррият ҳавосидан тўйиб нафас олаётган, ҳеч кимдан кам бўлмаган халқ — миллатга айланганидан фахрланиб кетасан, киши.*

Йигирма бир йиллик довондан туриб, босиб ўтган йўлимизга назар ташласак, ўтган давр ичида, айниқса, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маърифий соҳада изчил ва босқичма-босқич кенг қўламли ислохотлар амалга оширилганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ўтган йилларда 124 мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатди. Ўзбекистоннинг хоржий давлатларда 33 та элчихонаси ва 10 та консулхонаси мавжуд. Бизнинг мамлакатда 44 та давлат элчихоналари ва 9 та давлатнинг фахрий консуллиги фаолият

юритмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистонда 14 та универсал, минтақавий ва молиявий ташкилотларнинг ваколатхоналари бор.

Ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баравар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 бараварга ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баравардан зиёдроққа кўпайди. Ҳар йили давлат бюджетининг қарийб 60 фоизга яқини ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

2-бет

● **ТАРФИБОТ**

## Истиқлолни қадрлаш

ТАРИХНИ БИЛИШДАН БОШЛАНАДИ

*ЎзМТДП КеҒейли туман Кенгаши ташаббуси билан «Мустақилликни қадрлаш тарихимизни билишдан бошланади» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, партия фаоллари, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкиллаштириш бўлими ходимлари ҳамда ёшлар иштирок этди.*

Тадбирда таъкидланганидек, ЎзМТДП миллий-маънавий кадрларни тиклаш, хусусан, ёшларда тарихга, буюк аждодларимизга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром туйғулари шакллантиришга кўмаклашиб келмоқда. Мазкур тадбир ҳам ана шундай мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

ЎзМТДП КеҒейли туман Кенгаши раис ўринбосари Б.Баба-ниязов йиғилганларни мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами билан табриклаб, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилларида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда бутун дунё эътироф этаётган улкан ютуқларни қўлга киритиб, халқаро майдон-

да юксак обрў-эътибор қозонди. Мустақиллик берган беқиёс имкониятлар тўғрисида халқимиз матонатли, фидокорона меҳнати билан ўзининг буюк келажигини яратмоқда, эртанги кунга комил ишонч билан қарамоқда. Энг азий, энг улуг байрам арафасида партиямиз томонидан ташкил этилаётган бу каби тадбирлар ёшларни миллий истиқлол ғояси атрофида бирлаштириши шубҳасиз.

Тадбирда ёшларнинг етакчилиги ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш йўналишидаги ишларни янада кучайтириш юзасидан таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЎзМТДП МК  
Ахборот хизмати

● **ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА**

*Гулистонда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан партия Сирдарё вилоят Кенгаши ва Гулистон туман ҳокимлиги ҳамкорлигида "Миллий халқ ўйинлари" фестивали ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаоллари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, Гулистон туман ҳокимлиги, вилоятдаги миллий маданий марказлар, фольклор этнографик ансамбллар вакиллари, спорт усталари ва мураббийлари ҳамда спортчи ёшлар иштирок этди.*

## Миллий халқ ўйинлари

ФЕСТИВАЛИДА ЁШЛАР ЎЗARO БЕЛЛАШДИЛАР

Таъкидланганидек, ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари асосида асрлар давомида ривожланиб келаётган халқ амалий санъати ва бадиий хунармандчилиги аъналарини сақлаш, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, ҳудудий партия ташкилотларида миллий халқ ўйинлари орқали ёшлар маънавиятини ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

3-бет

● **МУЛОҚОТ**

## Мустақиллик — беқиёс имконият демак

У БИЗГА ЯНГИЧА ЯШАШ, ЯНГИЧА ҚАРАШ ВА ҲАТТО, ЯНГИЧА КУЙЛАШ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИБ БЕРДИ

*Энг улуг, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 21 йиллик шодиёналари тобора яқинлашиб бормоқда. Шу қутлуғ кунлар арафасида халқ қалбида гурур-ифтихор туйғуси, осуда кунлар шукронаси жўш урмоқда. Жамиятнинг турли жабҳасида фаолият юритаётган ҳар бир юртдошимиз истиқлолнинг шонли санасига муносиб совға тайёрлаш ишнжсида. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида Ватанинг гурури, миллий қадрият ва аъналарига содиқ фарзандларининг ҳиссаси беқиёс аҳамият касб этади. Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси Озодбек НАЗАРБЕКОВ билан байрамолди суҳбатимиз айнан Ватан туйғуси ва истиқлол хусусида бўлди.*

— Мустақилликнинг 21 йиллиги ол-дидан кўнглингизда қандай ҳис-туйғулар кечмоқда?

— Мустақиллик байрами нафақат мен учун, балки бутун Ўзбекистон халқи учун энг улуг ва энг азиз байрам ҳисобланади. Айнан шу кунларда барча санъаткор

дўстларимиз билан биргаликда ушбу улуг айёмни муносиб нишонлаш, халқимиз кайфиятига кўтаринкилик ула-шиш мақсадида байрамга муносиб бўлган ижод маҳсулларимизни мухлисларимизга тақдим этишга тайёргарлик кўряпмиз.



3-бет



**"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!**

Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

● ПАРТИЯ ХРОНИКАСИ

## Энг улуг, энг азиз байрам

**ХУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА**

### НАВОИЙ

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик шодий-наларига ҳам оз фурсат қолди. Жойларда энг улуг энг азиз байрам муносабати билан "Тақдиримсан, бахтимсан — эркин ва обод Ватан" шиори остида турли маънавий-маърифий тадбир ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

ЎзМТДП Учқудук туман Кенгаши ташаббуси билан "Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги — энг олий мақсадимиз" мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ходимлари, маҳалла фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда истиқлол йилларида барча соҳаларда олиб борилган илмий ишларнинг бугун ўз самарасини бермоқда. Шаҳару-қишлоқлардаги кенг қўламли бунёдкорлик ишларини кўриб кўзингиз кувнади. Ёшларга кўрсатилган эътибор-ғамхўрлик эса давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мухими, биз эркин ва озод юрда ҳеч бир таҳликисиз, тинч ва осойишта яшамоқдамиз.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ёшларни касб-хунарга йўналтириш, уларни шу азиз Ватанга садоқатли инсонлар қилиб камол топтиришда партия ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратдилар.

Йиғилишда, шунингдек, ЎзМТДП мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёшларни миллий ўзликни англаш, азалий қадрият ва анъаналаримизга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда ўтказилаётган тарғибот ишларини ноанъанавий тарзда ташкил этиш хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ижодкор ёшлар томонидан тайёрланган она-Ватани тараннум этувчи куй-қўшиқлар, жозибали рақслар тадбирнинг шукуҳли ўтишини таъминлади.

### ҚАШҚАДАРЭ

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши томонидан юртимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб "Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод Ватан" шиори остида "Шу азиз-ватан барчамизники" мавзусида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда партия вилоят ва Шаҳрисабз туман Кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" етакчилари, туман Хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, туман ҳокимлиги, маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими мутасаддилари, вилоят мусикали драма театри санъаткорлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси С.Махматмўминов истиқлол йилларида мамлакатимизда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, республикамизнинг барча ҳудудларда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари ватанимиз чиройига чирой қўшаётганлигини таъкидлади. Шунингдек, жамият ҳаётида юз бераётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар жамоатчиликнинг дунёқаролини ўзгартириб, мазкур жараёнларга дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганлигини эътироф этди.

Таъкидланганидек, ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳоли, айниқса, ёшлар оғида миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини шакллантириш, аждодларимизнинг бой тарихий-маънавий меросини чуқур ўрганиш, тадбиқ этиш ва келгуси авлодларга етказишга кўмаклашиш мақсадида қатор тарғибот тадбирларини мунтазам ташкил этиб келмоқда.

Тадбир сўнггида М.Тошмухаммедов номли вилоят драма театри санъаткорлари томонидан тайёрланган концерт дастури иштирокчилар кайфиятига кўтаринкилик бахш этди.

### СИРДАРЭ

ЎзМТДП Сирдарё вилоят ва Сайхунобод туман Кенгаши томонидан "Жамият ривожидан хотин-қизларнинг ўрни ва роли ҳамда сиёсий партиялар фаолиятидаги иштироки" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан партия Сайхунобод туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси А.Эрназаров юртимизда истиқлол йилларида хотин-қизларга берилаётган кенг имкониятлар, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганлигини таъкидлар экан, жумладан, шундай деди:

— ЎзМТДП "Аёллар қаноти" томонидан хотин-қизларнинг маънавий-маърифий ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, демократик жамиятни шакллантириш жараёнларида ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга кўмаклашиш борасида қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Мазкур тадбир ҳам мустақиллик йилларида босиб ўтилган йўлимизга яна бир бор назар ташлаш, эришилган ютуқ ва муваффақиятлар зиммамизга янада улкан масъулият юклашини таъкидлаш мақсадида ташкил этилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан "2012-йил Мустақам оила йили" Давлат дастурининг жойлардаги ижросини таъминлаш, аёлларнинг жамият ҳаётида муносиб ўрин топишларига кўмаклашиш, бу борадаги ишларни янада кучайтиришда маҳаллалар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан тақдир ва мулоҳазалар билдирилди.

**Эргаш ХУЖАЕВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

тивийлик асосида ўтказилди. Бундан ташқари, кўппартиявийлик принципи Олий Мажлис ва барча даражадаги халқ депутатлари кенгаши фаолиятига жорий этилди. Сиёсий партияларнинг парламент куйи палатасидаги фракциялари орқали партиялар қонунларни ишлаб чиқишга таъсир кўрсатиб, шу тариқа давлат бошқарувида муносиб ҳисса кўшиши таъминланди.

Қайд этиш лозим, амалга оширилган ислохотларнинг ҳуқуқий негизини ташкил қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги, "Давлат бошқаруви нафақат ташқи кўриниши, балки талабаларнинг амалий билимларини ошириш учун яратилган барча имконият ва қўлайликлар билан ҳам ҳеч бир ривожланган давлатлар олий ўқув юрталаридан қолишмайди.

Мустақил тараққиётимиз даврида Ўзбекистонда ёшларга доир 100 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Улар орасида Қонунлар, Президентимиз Фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари борлиги ҳам мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг устуворлигини ва бу сиёсатнинг ҳуқуқий асослари нечоғли мустаҳкамлаб бораётганлигини намойён қилмоқда.

Айни чоғда миллий-маданий анъаналарнинг авлоддан авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқаларини таъминлаш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон Респуб-

ниши ҳам ёшларга оид масаланинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат.

Ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеининг тобора ортиб бориши мамлакатимиз учун ўзига хос хусусиятидир. Бугун мустақил туфайли янги дунёқараш, янги демократик тафаккурга эга ёшларнинг янги авлоди шаклланимоқда.

Мустақил тараққиётимиз даврида Ўзбекистонда ёшларга доир 100 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Улар орасида Қонунлар, Президентимиз Фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари борлиги ҳам мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг устуворлигини ва бу сиёсатнинг ҳуқуқий асослари нечоғли мустаҳкамлаб бораётганлигини намойён қилмоқда.

Айни чоғда миллий-маданий анъаналарнинг авлоддан авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқаларини таъминлаш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон Респуб-

**Мустақил тараққиётимиз даврида Ўзбекистонда ёшларга доир 100 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Улар орасида Қонунлар, Президентимиз Фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари борлиги ҳам мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг устуворлигини ва бу сиёсатнинг ҳуқуқий асослари нечоғли мустаҳкамлаб бораётганлигини намойён қилмоқда.**

ликаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўлларини эркин танлаб олишлари ҳам тўла қанолатлаб қўйилган. Шунингдек, жамият ва ёшлар ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирок этишини таъминлаш муҳим вазифа қилиб белгиланган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқаро андозалар, юксак демократик ва замон талабларига мос ва хос бўлган сайлов тизими ҳам муваффақиятли шаклланди. Сайловга оид амалдаги қонунларни янада либераллаштириш ва демократлаштириш мақсадларида босқичма-босқич қатор муҳим янги нормалар киритилди. Фуқаролик жамиятининг муҳим институти саналган сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеи тобора юксалиб бори. Истиқлол шарофати билан Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг давлат ва жамиятдаги роли, ҳуқуқий асослари нечоғли мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш шароити юзага келди.

Хулоса қилиб айтганда, Ватанимиз ва халқимизнинг барча соҳаларда қўлга киритган улкан ютуқлари ҳар бир юрtdошимиз қалбига теран фахр уйғотиб, Ўзбекистоннинг энг тараққий этган мамлакатлар сифатини муносиб жой олишдек стратегик мақсади йўлида янада фидокорона меҳнат қилишга ундайди.

**Ахтам ТУРСУНОВ,**  
ЎзМТДП МК Ижроия  
Қўмитаси раиси



## Буюк бунёдкорлик йўлида

лаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ана шу эҳтиёж самараси бўлганини эътироф этиш зарур.

Қарорда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизацциялаш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялар билан жиҳозлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги давр тадбирлар мажмуи қарорга илова қилинган. Зеро, биз йигирма бир йиллик мустақил тараққиётимиз натижасида таълим йўлида ҳар қачонгидан ҳам юксак марраларга эришдик.

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини шунга мувофиқлаштириш — замон талаби. Чунки бугунги глобаллашув даврида айрим мавжуд йўналишлар ва мутахассисларнинг эҳтиёждан келиб чиқиб янгилаш — янгиларини ташкил этишни ҳаётнинг ўзи тақозо

қилаётир. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қароридан бунга алоҳида эътибор қаратилгани соҳа ривожидан гоят муҳим ўрин тутди. Бугунги талаба билан кеңағиси ва уларга яратилган шарт-шароит орасидаги фарқ, халқона таъбир билан айтганда, осмон билан ерча. Мақсад эса ягона — мамлакат келажаги бўлган баркамол авлоднинг тарбиялаш. Қарорда "ўқув-лаборатория биналари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг турар жойларини қуриш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш" масаласига алоҳида банд ажратилгани сабаби ҳам шунда. Чунки қандай шароитда яшаш ва ўқиш муҳим масала. Биргина мисол. Поиттахимизнинг талабалар шаҳарчасидаги турар жойлар Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида замон талаблари даражасида қайта таъмирлангани ёшларнинг билими, дунёқароли, маънавияти ўсишига катта таъсир кўрсатади.

Истиқлол даврида мамлакатимизда олий ўқув юрталари сони ва сифати жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бу ҳақда сўз борганда, мамлакатимизда олий таълим тизимида бакалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли халқаро стандартларга ўтилиб, 150 дан зиёд бакалавр йўналиши ва 650 та магистратура мутахассислиги бўйича давлат таълим стандартлари жорий этилганини эсга олиш жоиз.

Том маънода мустақиллик меваси бўлган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг Нукус, Урганч, Фаргона, Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги филиаллари, Самарқанд иқтисодиёт ва

сервис институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Навоий давлат кончилиги институти, Самарқанд давлат чет тиллар институти каби янги олий ўқув юрталари, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти сингари ўнлаб ўқув даргоҳларининг янги биналари нафақат ташқи кўриниши, балки талабаларнинг амалий билимларини ошириш учун яратилган барча имконият ва қўлайликлар билан ҳам ҳеч бир ривожланган давлатлар олий ўқув юрталаридан қолишмайди.

Айни пайтда юртимизда 70 та олий таълим муассасасида фарзандларимиз ўнлаб замонавий мутахассисликлар бўйича таълим-тарбия олмақда. Шунингдек, 6 та хорижий олий ўқув юртини филиаллари самарали фаолият юритмоқда. Хусусан, Халқаро Вест-минстер университети, Сингапур менежментни риволантириш институти, Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, Турин политехника университети, Ломоносов номидаги Москва давлат университети каби олий ўқув юрталарининг филиалларида нафақат юртимиз, шунингдек, узоқ-яқин хориждан келган илм тоилблари ҳам юксак халқаро стандартлар асосида бизнес, иқтисодиёт, ҳуқуқ, менежмент, ахборот технологиялари соҳалари бўйича талаб қилинаётган мутахассисликлар, нефть-газ тармоғи ва геология қидируви муҳандислари, замонавий машинасозлик, социология ва психология йўналишлари бўйича таълим олмақда.

Айтиш мумкинки, бундан 21 йил муқаддам биз учун ўзликни англаш, тафаккурни чарқлаш даври бошланди. Минг йилликлар томиримизда жўш урган буюк алломуларимизнинг қайноқ қони, муқаддас руҳи, тафаккур чироғи ҳам бизга қўмакка келади. Китоб жавонларида саф тортган Абу али Ибн Сино, Ал-Бухорий, Ал-Хоразмий, Ат-Термизий, Ал-Фаробий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Мотуридиди, Ал-Фарғоний, Аз-Замашарий, Шарафиддин Али Яздий, Абдуразақф Самарқандий, Бурхониддин Марғинионий каби буюк аждодларимиз қолдирган бой адабий мерос авлодлар қалбига тафт берди. Сохибқирон Амир Темур тузукларида шарқона маданиятга монанд конституциявий ҳужжат сифатида қаралди. Шунинг учун ҳам "Темур тузуқлари", Навоий "Хамса"си, "Бобурнома", "Зафарнома" ва бошқа манбалар мазмуни халқимиз қалбига сингдирилди десак, янглишмаймиз.

Давлатимиз томонидан танланган йўлнинг ўзига хос хусусиятлари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар асоси — жаҳонда тан олинган "Ўзбек модели" тантанасида, миллий маънавий-маданий қадриятларимизнинг қадр топишида ёрқин намойён бўлди. Шубҳасиз, уларнинг изчил рўёбиде ёш авлодга ҳам таянилди.

Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди, 2000 йилнинг "Соғлом авлод йили", 2008 йил "Ёшлар йили", 2010 йил "Баркамол авлод йили" деб эълон қили-

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 82,5, табиий газ билан таъминлаш эса 83,5 фоизга етди, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, ўта оғир юқумли касалликларга барҳам бериш ҳамда уларни камайтириш борасида катъий чоралар кўрилди. Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан фахр ва ифтихор билан таъкидлаганидек, Ўзбекистонда оналар ва болалар ўлими 3 баравар камайди. Ушбу даврда одамларнинг ўртача умр кўриши 67 дан 73 ёшгача, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 2011 йил яқунлари ва 2012 йилнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида "Охириги йилларда ва ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда.

Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида, жумладан, бундай дейилади:

"Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқорида.

Қатор йиллар давомида қузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, қутилганидек, амалда 8,3 фоизни таш-

**Таъкидлаш жоизки, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, қутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди. 2000-2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлардан жой олди.**

кил этди. 2000-2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Ўтган йили санаот ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди.

Муайян миллатнинг тараққиёт даражасини белгилувчи мезонлардан яна бири — шубҳасиз, унинг таълим тизими нечоғли ривожлангани билан ўлчанади. Бошқача айтганда, таълимни юксалтирмаган мамлакат ёки миллат тараққий этиши амри маҳол. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бу соҳани тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Тарихан қисқа муддатда улкан муваффақиятларга эришилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги Қонун бу борадаги ютуқларимизнинг ҳуқуқий асоси, гарови бўлганини алоҳида таъкидламоқ керак.

Бугун замон шиддати шу даражада тезкорки, у билан ҳамқадам юриш осон эмас. Давр бошқа соҳалар сингари таълим жабахаси олдига ҳам янгидан-янги масалаларни қўймоқда. Тизимнинг келажаги бу масалаларнинг нечоғли ўз вақтида ечим топишига боғлиқ экани сир эмас. Таъбир жоиз бўлса, бугун замондан олдинроқ юриш ҳаётий эҳтиёжга айланди. Президентимиз Ислам Каримовнинг "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкам-

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● МУЛОҚОТ

## Мустақиллик — бекиёс имконият демак

**У БИЗГА ЯНГИЧА ЯШАШ, ЯНГИЧА ҚАРАШ ВА ҲАТТО, ЯНГИЧА КУЙЛАШ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИБ БЕРДИ**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳар йили бу байрам ўзига хос тарзда нишонланса-да, уларнинг ҳар бири қалбимда алоҳида из қолдиради. Боиси неча асрлар ота-боболаримиз орзу қилган кунларга биз ва фарзандларимиз эришиб турганининг ўзи бир бахт. Ҳаётнинг ҳар бир йил ўзимизни, ўзлгимизни англашга имкон яратди. Шу боис ҳам бу кун халқимиз учун азиз ва ардоқлидир.

Бугун юртимизнинг барча бурчларида байрамни нишонлашга катта тайёргарлик қўрилмоқда. Болажонлар ўз шеър-қўшиқлари, курувчилар осмонлар бинолари, деҳқонлар мўл ҳосил, спортчилар шода-шода медаллари билан байрамга тухфа тайёрлашмоқда. Шу кунларда бутун Ўзбекистон байрам кайфиятида, байрам оғушида, дейиш мумкин. Байрам шукҳи ва нафаси чекка-чекка қишлоқларда ҳам кезиб юрган бир пайтда қалбимизда фақат эзгу ният, порлоқ келажакка ишонч туйғуси жўш урмоқда.

**— Ҳаётнинг ҳар йили сизнинг ҳаётингизда қандай из қолдирди?**

— Тўғриси, мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳали ёш бўлганим сабабли унинг бу қадар буюк неъмат эканлигини тўла англаб етмаган эдим. Йилдан-йилга улғайиб, қадамба қадам унинг буюклиги ва улғуворлигини ҳис этиб бораётганман. Бу, айниқса, фарзандларимиз эришадиган ютуқлар, юртдошларимиз қўлга киритаётган галабалар, тинч ва осуда кунлар ҳамда фаровон турмушимизда яққол акс этиб турибди. Оддий мисол. Болалар боғчасига борадиган қизимнинг инглиз ва рус тилларида бийрон гапира олиши ёки бошқа фарзандларимизнинг дунёвий билимлар билан бирга спорт билан шуғулланиб, чемпион бўлишадигани ҳам мустақиллик шарофати деб биламан.

Мухтасар айтганда, мустақиллик шахсан менга тенгсиз имкониятлар эшигини очиб берди. 21 йил ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ҳаётида унутилмас воқеалар, шоду хуррамлик ҳада эди. Шу юрт фарзанди сифатида ўзлгимизни танидик, англадик. Шундай бағрикенг юрда тутилганимдан, буюк бобокалонларимизнинг вориси эканлигимдан фахрланиш туйғусини ҳис қилдим.

**— Биласиз, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз атрофида қалбида миллий гуруҳ жўш урган, миллий кадрият ва анъаналарга содиқ, Ватанимиз миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган ватанпарварларни бирлаштирган. Сиз нега айнан "Миллий тикланиш"ни танладингиз?**



**гиз? Партия аъзоси сифатида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда сиёсий жараёнлар ҳақида нима дея olasiz?**

— Биламизки, бугунги ислохотлар жараёнида сиёсий партиялар муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни мисолида ҳам яққол кўриб турибмиз. Фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти кундан-кунга юксалаётганига партиямиз томонидан ташкил этилаётган тадбирларда иштирок этиб, гувоҳ бўлялмиш. "Миллий тикланиш" демократик партияси мақсад ва гоёлари менинг қарашларимга ҳамроҳанг, деб биламан. Умуман олганда, юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар халқ фаровонлиги ва юртинчилигига қаратилмоқда! Бу эса Ўзбекистон келажигининг буюк эканидан далолатдир.

ЎзМТДП атрофида ватанпарвар, фидойи ва садоқатли фарзандларни бирлаштирган. Партия аъзолари орасида фан, таълим, санъат, адабиёт ҳамда Ватанимиз шон-шухратини дунёга танитаётган, халқ хурматида сазовор бўлган таниқли шахслар — Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ рассомлари, олимлар, таниқли спортчилар, давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари соҳиблари борлиги мени ҳам шу партия аъзоси бўлишга ундади, десам хато қилмаган бўламан. Ўз ижодим билан партия сайловолди Платформасида илгари сурилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда оз бўлса-да ҳисса қўшаётган бўлсам, ўзимни шу партиянинг ҳақиқий аъзоси деб биламан.

**— Сиз ўз қўшиқларингизда Ватанини, халқни севиб куйлаганингиз боис, бунга жавобан Ватанимиз ва бағрикенг халқимиз ҳам сиздан ўз меҳрини аяманпарварларни бирлаштирган. Сиз нега айнан "Миллий тикланиш"ни танладингиз?**

— Аслида, Ватан ва халқ ҳақидаги қўшиқ энг гўзал қўшиқ ҳисобланади. Ҳар бир санъаткор Ватанини куйлаш асносида унга бўлган меҳр ва муҳаббатини ҳам намойён қилади. Шу боис энг сара қўшиқларни Ватан ҳақидаги қўшиқларим, деб биламан. Уларни доим чуқур эҳтиром ва юракюракдан ижро этишга интиламан.

Мустақиллик ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборди. Ота-боболаримиз орзу қилган кунлар, турмуш тарзига эришдик. Беадад шукр, юртимизда тинчлик ва осойишталик. Давлатимизнинг тўғри ва одилона сиёсати боис шундай кунларга эришиб турибмиз. Ўзбекистон халқи бир ёқадан бош чиқариб, ривожланиш сари дадил қадам ташламоқда. Юртимиз қисқа муддатлар ичида дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишига ишонаман.

Давлатимиз, қолаверса, халқимизнинг ишончи ва қўллаб-қувватлаши бизни янада масъулиятли бўлишга ундайди. Халқимиз қалбидан жой оладиган қўшиқлар яратишга, Ватан учун камарбаста бўлишга куч бағишлайди.

**— Байрам арафасида мухлисларингиз, газетамиз муштарийлари ва партиядошларингизга тилақларингиз.**

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзолари ва газета муштарийларини мустақиллигимизнинг 21 йиллик тўйи билан чин дилдан муборакбод этаман. Юртимиз ҳаммаша тинч, осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз фаровон бўлсин. Мустақилликнинг шонли санаси барчага омад олиб келсин. Деҳқонларимизнинг хирмонлари баракали бўлсин. Юртимизнинг яхши кунлари, байрамлари ва тўй-тантаналарида узоқ йиллар хизмат қилиш насиб этсин.

Сўхбатдош:  
"Milliy tiklanish" мухбири  
Шоҳида ДАМАНОВА

(Давоми. Боши 1-бетда)

● ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

— Мамлакатимизда ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда, - деди ЎзМТДП МК Ижроия Кўмитаси девони Ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Хусниддин Ражабов. — ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" ёш авлоднинг сиёсий етакчилиги ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитиш, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, интеллектуал салоҳиятини тўлиқ намойён этиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларини таъминлашга кўмаклашишни мақсад қилган. Жумладан, партияимизнинг 125 минг нафарга яқин аъзосининг 48,7 фоизини ёшлар ташкил этади. Бу эса ёшларнинг ЎзМТДП ҳаётидаги ўрни ва салоҳи юқори эканлигини далолатдир.

Фестивалда "Деҳқон болалари" фольклор этнографик ансамбли ҳамда тумандаги спортга ихтисослашган мактаб тарбияланувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури ва бадий гимнастика, бокс, миллий кураш турлари бўйича сахна кўринишлари тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади. Беллашув голибларига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ҳафиза ЮЛЧИЕВА, ЎзМТДП Гулистон туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари:**

— "Миллий халқ ўйинлари" фестивалида халқ амалий санъатининг юксак намуналари бўлган миллий кўғирчоқлар, наққошлик, чизма миниатюра асарлари, миллий кийимлар, адрес-атлас матолар, миллий чопон-



## Миллий халқ ўйинлари

**ФЕСТИВАЛИДА ЁШЛАР ЎЗАРО БЕЛЛАШДИЛАР**

лар, зардўзлик, кандакорлик, заргарлик, миллий гилам, ёғоч ўймакорлиги ва лак миниатюраси асарлари кўргазмаси намойиш этилди. Фестивал давомида ёшлар миллий халқ ўйинларидан "Кураш", "Кулоқ чўзма", "Тўптош-хаппак", "Оқ теракми, кўк терак?", "Ўтин ёриш" каби ўйинларда ўзара беллашдилар.

Ушбу тадбир ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёшлар ўртасида миллий кадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, миллий халқ ўйинларини омалаштириш, уларга ёшларни кўпроқ жалб этиш орқали ёш иқтидор эгалар, спорт усталарини аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Қўлдош ЭЛТОЕВ, ЎзМТДП аъзоси, тадбир иштирокчиси:**

— Миллий ўйинлар, лапар, қўшиқ, аския, мушоира, баҳру байт, айтишув ҳамда бахшилар томонидан ижро этилган достонлар фестивал иштирокчилари — ёшларнинг миллий кадриятларимизга бўлган қизиқишларини янада ортишига хизмат қилди. Бу, ўз навбатида, миллий кадрият ва урф-одатларга содиқ бир гуруҳ ёшлар қалбидан партия сафига кириш истagini уйғотди. Мазкур тадбир ёшларимизни турли мафқуравий таҳдид, бузғунчи гоёлардан асраш, улар онги ва дунёқарашига миллий кадрият, анъана ва урф-одатларимизга хурмат туйғусини шакллантиришга кўмаклашишни мақсад қилгани билан эътиборлидир.

Ўз мухбиримиз



## ЎЗМТДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

**Ватанимизнинг улғу айёми —**

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ

# 21 йиллиги

*билан табриклайди.*



● ЎЗМТДП ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИДА

## Фуқаролик жамиятини шакллантириш

**ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР МУҲИМ ЎРИН ТУТМОҚДА**

*Юртимизда истиқлол йилларида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда кўппартиявийлик тизими шакллантирилади.*

Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тақдим этилган Концепция сиёсий партиялар фаолиятида янги босқични бошлаб берди. ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши томонидан ўтказилган "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни" деб номланган тадбирда ана шундай фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони бош мутахассиси Д.Шарипов "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг (ЎзМТДП мисолида) ўрни" мавзусида маъруза қилди. Нотик "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамла-

катни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни сиёсий партияларнинг жамиятдаги ролини янада оширганлигини таъкидлар экан, жумладан, шундай деди:

— Бугунги кунда сиёсий партиялар ўз дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда фақат сайловлар пайтидагина эмас, балки жамоатчиликка маъқул келадиган гоёларни мунтазам равишда ишлаб чиқиш ва рўйбга чиқариш юзасидан муайян саъй-ҳаракатларни амалга оширишга интилоқдалар. Хусусан, ЎзМТДП мафқураси ва гоёсини кенг жамоатчилик

орасида тарғиб қилиш, партия электорати сафини кенгайтириш, улар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда дастурий мақсад ва вазифалари ижросини таъминлаш борасида қатор давра сўхбати, ўқув-семинар ва кўрик-танловлар ташкил этилмоқда.

Тадбирда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан ЎзМТДП "Аёллар қаноти" томонидан олиб борилаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, аёлларни жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар жараёнига дахлдорлик туйғусини шакллантириш, уларни партия сафига жалб қилиш, иқтидорли хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Маннон ОТАБОЙ,  
"Milliy tiklanish" мухбири

## ИСТИҚЛОЛ ШУКУҶИ

**"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ***жамоаси*

*Сиз азиз юртдошларимизни барчамиз  
учун энг улуғ, энг азиз байрам —*

**Мустақиллигимизнинг****21 йиллиги***билан қутлайди.*

**ТАҚДИРИМСАН,  
БАХТИМСАН,  
ЭРКИН ВА ОБОД  
ВАТАН!**

**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

● **САРҲИСОБ**

## Миллий киномизнинг янги даври

“Ўзбекино” миллий агентлигининг фаолиятига бағишланган матбуот анжуманида мустақиллик йилларида яратилган фильмлар, кинематографчиларимиз олдида қўйилган вазибалар, уларнинг амалдаги ижроси, миллий киномизнинг ютуқ ва камчиллари хусусида сўз борди. Матбуот анжуманини “Ўзбекино” МА бош директори Аъзам Исоқов кириш сўзи билан очди. Ўз сўзини агентлик тарихи билан бошлаган раҳбар, унинг бугунги кундаги фаолияти, соҳада амалга оширилган кенг қўламли ишлар, “Олтин гепард” кинофоруми ва бошқа халқаро кинофестивалларга кўрилатган тайёргарлик ишлари, шунингдек, 2012 йилда томошабинлар эътиборига ҳаво-


ла этилиши кутилаётган янги кино, видео ва мультипликацион фильмларга атрофлича тўхталди. А.Исоқовнинг таъкидлашича, шу кунгача томошабинлар эътиборига “Бахт уйи” (реж. А.Бектурдиев), “Паризод” (реж. А.Шахобиддинов), “Тақдирлар” (реж. А.Ғаниев) каби бадиий фильмлар ҳавола этилган. Бундан ташқари, у “Сой қўшиғи” (реж. Ф.Шамсиматов), “Сехрли қалпоқча” (реж. Н.Жумаев, А.Бектурдиев), “Армонли дунё” (реж. С.Назармухамедов), “Баҳор қалдирғочлари” (“Қорақалпоқфильм” студияси), “Тубанлик” (реж. Н.Насимов), “Ковун” (реж. З.Мусоқов) ва бошқа бир нечта фильмлар ишлов жараёнида экан. — Мазкур фильмлар-

да энг аввало, замонамиз қаҳрамонлари, миллий урф-одатларимиз, турмушимизда учраб турадиган айрим иллатлар ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳадемай улар ҳам катта экранларга чиқиб қолади. - дейди А.Исоқов.

Анжуман чоғида киноижодкорлар эътиборидан болажонларимиз ҳам четда қолмагани алоҳида таъкидланди. Улар учун “Зумраша” (5-студия) ҳажвий киножурналининг 1 ва 2-тўплами, шунингдек, “Ўзбекфильм” студияси мультипликаторлари томонидан “Учар тулпор ҳақида достон”, “Олтин тарвуз”, “Бўз бола”, “Аломат кўён”, “Олтин мевали дарахт”, “Донишманд шогирд”, “Бирлашган ўзар” (“Олтин меъёр” студияси) каби мультфильмлар суратга олинаётгани маълум қилинди.

Анжуман ниҳоясида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

**Зафар МУҲАММАД,**  
“Milliy tiklanish” мухбири



## НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ "DO'STLIK BUYUM BOZORI" МЧЖ ЖАМОАСИ

*Дилларни шодлик, қувончга тўлдирган  
энг улуг, энг азиз байрамимиз*

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ

## 21 ЙИЛЛИК

*шодиёнаси билан қутлайди.  
Юртимизнинг ҳар бир  
ғўшасида тинчлик,  
хотиржамлик, омонлик,  
фаровонлик бўлишини тилаймиз.*

**БАЙРАМИНГИЗ  
МУБОРАК БЎЛСИН,  
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

## БОЙСУН ТУМАН ДАВЛАТ 10-ИХТИСОСЛАШГАН УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ИНТЕРНАТИ ЖАМОАСИ

**Юртдошларимизни Мустақиллик байрамининг  
21 йиллиги билан табриклайди.**





**Энг улуг, энг азиз байрам муборак!**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН КЎПРИК ХЎЖАЛИГИНИ САҚЛАШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪМИРЛАШ ФОЙДАЛАНИШ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Энг улуг, энг азиз айём —*

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги

*байрами билан барча юртдошларимизни табриклайди.*



**Мамлакатимизнинг барча жойларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳару қишлоқларимиз кун сайин чирой очиб бораётир.**

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

## ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

## Ниятларимиз эзгу

*Жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганига 21 йил тўлди. Ортада қолган тарихан қисқа давр мобайнида Ўзбекистонни онадек ардоқловчи халқимиз ўзининг қимлиги, нималарга қодирлигини исботлади. Ҳамюртларимизнинг эзгу интилишлари, ғайрат шижоатларида Ватанимиз мустақиллигини узоқ йиллар орзиқиб кутганлиги яққол намоён бўлди. Халқимиз катта синовлар доғидан қисқа муддатда муваффақиятли ўтиб, юксак тараққиёт босқичига дадил қадам қўйди.*

Ҳаётимиз фаровон, дастурхонимиз тўкин-сочинлиги, шаҳару қишлоқларимиз кундан-кун чирой очаётганлиги ҳам шундан. Барча жабҳаларда эришилаётган улкан муваффақиятлар ҳақида ўйлар эканмиз, қўлга киритилаётган ютуқлар замирида биз йўлсозларнинг ҳам муносиб ҳиссамиз борлигидан қалбимиз фахру ифтихорга тўлади.

Биргина Навбахор туман йўл қурилиш таъмирлаш фойдаланиш корхонаси тасарруфига

234 км. йўл бириктирилган. Шундан 105 км. давлат, 17 км. халқаро, 113 км. эса маҳаллий аҳамиятга молик йўللاردир. Жамоамиз жорий йилнинг олтинчи ойи ичида ички хўжалик йўлларида 229, халқаро ва давлат аҳамиятидаги йўлларда 337, маҳаллий аҳамиятдаги йўлларда эса 161 миллион сўм, жами 848 миллион сўмдан ошиқ таъмирлаш, сақлаш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажарди. Айни кунларда куз ва

киш мавсумига тайёргарлик юмушлари олиб борилмоқда.

Аҳил жамоамизнинг ўз олдига қўйган мақсади, белгиланган режа ва вазифаларни хамиша беками кўст бажариб, юртимизнинг гуллаб-яшнашидек эзгу ниятлар қилиб яшаётган барча ҳамюртларимиз билан бир сафда боришдир. Биз мақсадларимизни амалга ошириш учун бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларимизни ишга солаверамиз. Фурсатдан фойдаланиб, ватандошларимизни, йўл қурилиши соҳасида меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизни мустақиллигимизнинг 21 йиллиги билан табриклайман. Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, мустақиллигимиз абадий бўлсин.

**Ғайрат Тўлаев,**  
Навахор тумани  
йўл хўжалиги  
пудрат-таъмирлаш  
фойдаланиш давлат  
корхонаси директори



Мустақиллик байрамингиз  
муборак бўлсин,  
азиз юртдошлар!

Барча  
ўзбекистонликларни,  
юртимизга ташриф  
буюраётган  
азиз меҳмонларни

**ИСТИҚЛОЛНИНГ  
21 ЙИЛЛИГИ**  
билан табриклаймиз.

Юртимиздан файзу барака,  
шоду хуррамлик аримасин,  
соғлик-саломатлик,  
тинчлик-хотиржамлик сизларни  
тарк этмасин! Она диёримизда  
хуррият қуёши абадий нур  
сочиб тураверсин!


**НАВБАХОР ТУМАН  
ЙХПТФК ЖАМОАСИ**

**"ЖИЗЗАХПАХТАСАНОАТ"  
ОАБ ЖАМОАСИ**

Мустақилликнинг

**21**  
йиллик

шодиёнаси билан самимий табриклайди.  
Юртимиз бундан-да гўзал, обод бўлаверсин!



# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

**Истиқлол йилларида мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида мисли кўрилмаган ўзгариш ва янгиланишлар кузатилаётганда. Юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз инфратузилмаси тубдан ўзгариб, замонавий кўриниш касб этмоқда.**



## Юксалиш ва янгиланиш одимлари

Нурота туманида ҳам кейинги йилларда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг "2011-2013 йилларда Нурота тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури" доирасида барча манбаалар ҳисобидан 29,9 млрд. сўмлик 158 та лойиҳани амалга ошириш ҳамда 817 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган.

Мазкур дастурни рўёбга чиқариш, унда белгиланган лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш натижасида туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида бир қатор ижобий натижаларга эришилди, десак муболаға қилмаган бўлаемиз.

Бугунги кунда туманда 2011-2012 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган 20,8 млрд. сўмга тенг бўлган жами 125 та лойиҳадан 70 таси тўлиқ амалга оширилган бўлиб, қарийб 30,7 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилган ва 300 дан ортиқ янги иш ўрни яратилган. Жумладан, саноатни ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича жами 7 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 177 та янги иш ўрни ташкил этилиши белгиланган бўлиб, ўтган 2011-2012 йиллар давомида 352,3 млн. сўмлик 5 та лойиҳа амалга оширилиб, 25 та янги иш ўрни яратилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича жами 43 та лойиҳани амалга ошириш натижасида 260 та янги иш ўринларини яратиш белгиланган бўлиб, ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалигининг барча

йўналишлари бўйича 998,0 млн. сўм қийматдаги 23 та лойиҳа амалга оширилиб, 59 та янги иш ўрни яратилди.

Туман марказида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ва "Чашма" меъморий мажмуасини таъмирлаш бўйича жами 12 лойиҳа бўлиб, ўтган даврда унинг 5 таси тўлиқ амалга оширилди. "Чашма" тарихий мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишларига 9,0 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Этироф этиш жоиз, 2011 йил ҳамда 2012 йилнинг ўтган биринчи ярим йиллиги давомида "Навоий вилояти Нурота туманини 2011-2013 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури" билан бир қаторда қўшимча равишда туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик, миллий хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган тегишли чора-тадбирлар натижасида қарийб 2,3 млрд. сўмлик 21 та лойиҳа амалга оширилиб, жами 41 та янги иш ўрни яратилди.

Биргина туманининг чорваччиликка ихтисослашганлигини

инобатга оладиган бўлсак, чорвачиликни ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотларини экспортга йўналтириш ва тумандаги мавжуд ширкат хўжаликларининг молиявий фаолиятини тубдан яхшилаш мақсадида 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида 4 та лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, тумандаги ширкат ва фермер хўжаликлари ҳамда аҳоли томонидан етиштирилаётган жун маҳсулотларини тўғридан тўғри экспортга йўналтириш бўйича олиб борилган амалий ишлар натижасида жорий йил якунларига қадар туманда етиштирилган жун маҳсулотларини экспорт қилиниши бўйича шартнома имзоланди. Шунингдек, "Нурота" наслчилик ширкат хўжалиги қошида жун маҳсулотларини қайта ишлаш цехи ташкил қилиниб, 8 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирги кунда ишлов берилган жун маҳсулотларини экспортга йўналтириш бўйича хорижий ҳамкорлар билан музокаралар олиб борилмоқда.

Туманга ташриф буюрган сайёҳларга малакали туристик хизматлар кўрсатилишини таъминлаш, туманининг туристик сало-

ҳиятини ошириш ва меҳмонларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида тумандаги "Сентоб" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда Нуротанинг азалий қадриятлари ва миллийлигини ўзида мужассам этган ҳар томонлама қулай замонавий "Сентоб таги жар" туристик мажмуаси ташкил қилинди. Ушбу мажмуа бир йўла 35 нафар сайёҳга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, барча замонавий жиҳозлар билан таъминланган ва ҳозирги кунда меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Хунармандчилик бўйича 8 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 202 та иш ўрни яратилди. Тумандаги "Нурсултон Асад" МЧЖ томонидан 21,0 минг АҚШ доллари миқдорига "Нурота кашталари"ни етказиб бериш бўйича шартнома имзоланиб, туманининг миллий кашталарини чет давлатларда сотилиши йўлга қўйилди ва ушбу лойиҳани амалга оширилиши эвазига 12 та иш ўрни ташкил этилди.

Туман "Хунарманд" уюшмаси томонидан хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш ва уларнинг бандлигини таъмин-

лаш мақсадида шаҳардаги 13 та маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида адрас ва шойи матосини тўқиш дастгоҳлари келтириб ўрнатилди.

Жорий йилда тумандаги "Истиқлол", "Нурота" ва "Қизилча" ширкат хўжаликлари ҳамда "Сарбон" фермер хўжалиги ҳудудидаги майдонларда ўсаётган Қизил китобга киритилмаган доривор "Коврак" ўсимлиги ширасини экспорт қилиш бўйича имзоланган шартномага асосан жами 110 та мавсумий иш ўрни ташкил этилиши белгиланган. Шу билан бир қаторда жорий йилда туман марказида "Нурота текстил" МЧЖ томонидан қарийб 600,0 млн. сўм қийматдаги тикув цехини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида жорий йил якунига қадар 100 та янги иш ўрни ташкил этилади ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортга йўналтирилади.

**Кобил ТУРСУНОВ,**  
Нурота туман ҳокими,  
ЎЗМТДПдан сайланган  
халқ депутатлари Нурота  
туман Кенгаши депутати

## Мақтаб — мўътабар даргоҳ

**Дилором Кўчимова олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси, "Меҳнат шухрати" ордени ишондоридори... Тажрибали педагог фаолиятидаги бундай ютуқлар ҳақидаги рўйхатни яна давом эттириш мумкин.**

1984 йили Жиззах давлат педагогика олийгоҳини имтиёзли диплом билан тамомлаган муаллима мана йигирма саккиз йилдирки, Жиззах туманидаги 1-умумтаълим мактабида бошланғич синфларга дарс бериб келаяпти. Муаллима ажойиб педагоглардан Ўзбекистон Қарамони Марат Зокиров ва Собир Ражабов каби меҳридарё ва жонкуяр устозларнинг тажрибаларини ўз иш фаолиятида татбиқ этиб кам бўлмади.

Биз Дилором Кўчимова 3-«А» синфда одобнома фанидан "Муомала ҳам зийнат" мавзусидаги дарс машгулотини кузатдик. Дарсинг мақсади болажонларга сўзлаш ва муомала одоби, маданияти ҳақида тушунча бериш, уларни ҳушмуомала бўлишга, ҳар бир сўзни юксак дид, фаросат, ақл-идрок билан мулоҳима оҳангда ифода этишга одатлантириш эканлигини ўқувчилар англадилар. Муаллима болажонларга мавзу доирасида тушунча бераркан, инсон номини улуғлайдиган ширинсуханлик, мулоҳима сўзлаш эканлигини, кишининг билими ва маданий савияси, тафаккури маълум даражада унинг тилида акс этишини таъкидлади.

Энг асосийси, муаллима дарсда сўзловчи бўлиб қолмади. Аксинча ўқувчиларга саволлар билан мурожаат қилиб уларни фаоллаштира билди. Муаллима ва ўқувчилар томонидан айрилган "Гапларнинг ёмони — бу ёлгон гап, ёлгонни ҳазил билан ҳам, жиддий ҳам гапириб бўлмайди. Ростгўйлик эзгуликка бошлайди, ёлгончилик эса ёвузликка", "Илм эгалланг, илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғизлик дамларидан йўлдош, бахтиёр дамларда раҳбар, қайгули онларда мададкор, одамлар орасида зебу зийнат, душманга қарши курашда қуролдир", "Сўзловчи нодон бўлса ҳам, тингловчи доно бўлсин", "Фарзандларим, эшитган сўзларингизнинг энг гўзалини ёзинг, ёзган сўзларингизнинг энг гўзалини ёдланг, ёдланган сўзларингизнинг энг гўзалини айтинг" сингари ҳадис ва ҳикматли сўзларини яна бир бор тингладик.

Турли стенд, буклет, альбом каби кўргазмалар сони 1500 тага яқин. У дарсларда ўқув-техника воситаларидан ҳам ўз ўрнида фойдаланди. Биз яна бир неча дарсида бўлганимизда таассуротимиз бойиди. Энг муҳими, ҳар бир ўқувчига ўз имкониятига яраша топшириқ бериш тажрибаси бизга маъқул бўлди.


Ўтган 2011-2012 ўқув йилини унинг синфидаги 25 нафар ўқувчиларнинг барчаси "аъло" ва "яхши" баҳо ҳамда намунали хулқ билан якунлашга эришди. Ҳамида Шавкатова, Рисолат Азаматова, Беҳзод Раҳимов каби ўқувчилар ўқиш ва математика фанлари бўйича вилоятда ўтказилган кичик олимпиада мусобақаларида иштирок этишга муваффақ бўлдилар. Улар жамоат ишларида ҳам фаол.

— Мақтаб — мен учун мўътабар даргоҳ, — дейди Дилором Кўчимова. — Агар мендан қанча фарзандингиз бор, деб сўрашса ҳеч иккиланмасдан улар мингдан ортиқ, деб жавоб берган бўлардим.


Устоз синфдан ташқари тарбиявий ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Синфда кутубхона мавжуд бўлиб, у ёш китобхонлар ихтиёрига берилган.

Ўз касбининг фидойиси Д.Кўчимова вилоятда бўлиб ўтаётган илғор педагоглар йиғинларида қатнашиб, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда интерфаол усуллари билан фойдаланиш бўйича бой тажрибага эга бўлди. У 2002 йилдан бери вилоят ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш олийгоҳида тез-тез бошланғич синф ўқитувчиларига ноанъанавий дарс ўтиш тажрибасидан маърузалари билан қатнашиб келади.

**Абдулла САИДОВ,**  
Жиззах вилояти



## “MENSA MOBILE KOKAND” МЧЖ ЖАМОАСИ



**Жаннатмонанд юртимиз узра яратувчанлик ва бунёдкорлик шукуҳини олиб келган Мустақилликнинг 21 йиллиги билан самимий табриклайди.**



**Ватанимиз равнақи йўлидаги  
Меҳнатингизда зафарлар ёр бўлсин.**

**БАЙРАМ-МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

## Меҳнатдаги ютуқларимиз юрт равнақи учун

ДЕЙДИ ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИДАГИ “МУҚИМИЙ ФАЙЗ” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ БАХТИЁР ТОШТЕМИРОВ



**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТЕЗ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ НАМАНГАН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

*Мустақилликка эришганимиздан сўнг, қишлоқларимиз турмуш даражаси юксалиши натижасида хусусий мулк эгаларининг сони кўпайиб қолди. Юртимизда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса, аҳоли фаровонлигини оширишга бўлган эътибор биринчи ўринга қўйилди. Бунга бошқа соҳа вакиллари каби фермерларимиз ҳам яхши англашади. Зеро, давлатимиз томонидан билдирилган ишонч ва кўрсатилаётган рағбатга жавобан улар, қишлоқ хўжалиги инфраструктурасини янада ривожлантириш йўлида тинимсиз изланмоқда, меҳнат қилмоқда.*



Ана шундай эзгу ниятлар билан фаолият юритаётганлар орасида Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Муқимий файз» фермер хўжалиги ҳам бор. Асосан чорва ва наслчилик билан шуғулланувчи мазкур хўжалик 1994 йилда ташкил топган бўлиб, унга ишнинг кўзини биладиган тадбиркор Бахтиёр ака Тоштемиров раҳбарлик қилиб келади. Хўжалиқда 490 бош наслдор қорамол парвариш қилинаётган бўлса, шундан 146 бош соғин сигирдан йилига ўртача 3200 литр сут соғиб олинапти.

— 2011 йил якуни бўйича 150 бош наслдор бузоқ олдик, - дейди Бахтиёр ака. — Шундан 100 бошини вилоятимиздаги чорвачилик ва фермер хўжалиқларига етказиб бердик. Бундан ташқари, аҳолига ҳам 10-15 тагача бузоқ сотилади. Умумий еримиз 137,5 гектарни ташкил қилса, шундан 98 гектарига турли ўт, хашақлар экканмиз. Қолган ерларда эса галла, пахта етиштирилади. Ҳар йили режалар ортиги билан уддаланади. Шунга яраша ҳосилдорлик ҳам ортиб бормоқда. Бу йил 30 гектар майдонга экилган галладан 70 центнердан ортик, жами 210 тонна ҳосил олдик. Режа 129 фоизга уддаланди. Утган йил якунида фермер хўжалигимизда сут ишлаб чиқариш 103 фоиз, гўшт етиштириш 115 фоизга бажарилди. Рентабеллик даражаси 32 фоизни ташкил этди. Жами 859 миллион сўм даромад олган бўлсак, шундан 164 миллион сўми соф фойдадир. Фойдамиздан 60 миллион сўмдан зиёди турли хайрия ишлари, болалар спортини ривож-

лантириш, ногирон ва кам таъминланган оилалар, ишчи-хизматчиларимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга сарфланди. Жорий йил 180-190 миллион сўм соф фойда билан чиқшини режалаштирганмиз. Мазкур фермер хўжалигида ишчи-хизматчилар сони 56 нафардан ортик бўлиб, асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Улар иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланган. “Мустаҳкам оила йили” муносабати билан бу ерда хизмат қилаётган оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Техникани деҳқоннинг қаноти, дейишади. Ишчиларимизнинг меҳнатини энгиллаштириш ва иш унумини таъминлаш мақсадида ҳайдовдан тортиб галла, ўт ўрадиган техникага бор.

Бахтиёр ака нафақат уздабурон, меҳнатқашлиги билан, балки қўли очиклиги туфайли ҳам ҳамқишлоқларининг меҳрини қозongan. Қишлоғидаги мактаб ёки болалар боғчасини таъмирлаш бўладими, йўлларни асфальтлаш, ногиронларнинг ҳожатини чиқариш, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ масалалар бўладими баҳоли қудрат ҳал қилиб беради. Биргина кам таъминланган иккита хонадонга соғин сигир ҳадя этиши унинг ҳаммага тенглигидан дарак беради. Б.Тоштемиров УЗМТДдан туман, вилоят Кенгашларига депутат этиб сайланганлиги халқнинг унга билдирган ишончи юқори эканидан дарак беради.

Яна бир гап. Бахтиёр ака спортни яхши кўради. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Яқинда ҳамқиш-

лоғи Дилдора Жўраева спортнинг таэквондо тури бўйича Санкт-Петербургда шахрида ўтказилган Евроосий чемпионатидан соврин билан қайтди. Бахтиёр акага ҳам спортни ривожлантиришдаги ҳиссаси учун диплом берилган. Фермер хўжалигининг “Муқимий файз” футбол жамоаси бўлиб, ишдан бўш пайтларида ишчилар футбол ўйнаб туришади. Футбол жамоаси вилоят биринчилиги мусобақаларида иштирок этиб келади. Ҳозирда жамоа турнир жадвалининг юқори поғоналаридан жой олиб келмоқда. Ниятлари совринли ўринларни эгаллаш.

— Бугун юртимизда ишлайман, тадбиркорлик, фермерлик қиламан деганлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Президентимизнинг олиб бораётган оқилона сиёсатлари туфайли юртимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий жиҳатдан тобора ривожланиб бормоқда. Биз ҳам ана шундай хайрли ишларга ўз меҳнатимиз, ютуқларимиз, фидойилигимиз билан улуш қўшмоғимиз лозим. Юрт тинчлиги олий саодат, дея эътироф этилаётган Ўзбекистонда яшашнинг ўзи катта бахт. Ана шу бахтимизга кўз тегмасин.

Фурсатдан фойдаланиб барча юртдошларимиз ва партиядошларимизни энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг 21 йиллиги билан муборакбод этаман. Эл-юрт манфаатлари йўлида олиб бораётган ишларида каттадан-катта муваффақиятлар тилайман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо бўлсин!

**Эркин ДОРИПОВ,**  
“Milliy tiklanish” мухбири

## ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИК

*шодиёнаси билан барча Ватандошларимизни самимий табриклайди.*

**Осмонимиз ҳамisha мусоффо бўлиб, эзгу орзу-ниятларимиз рўёбга чиқсин. Сизларга СОҒЛИК-ОМОНЛИК, оилаларингизга ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК тилаймиз.**

## ИСТИҚЛОЛ МУБОРАК!

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ  
ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!



**Ҳаммаси кичкинадан бошланади!**



Кичик бизнес учун кредитлар  
Кредит олиб ғояларингизни  
рўёбга чиқаринг!

[www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz)

Хизматлар лицензияланган



# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

*Мамлакатимиз аҳолисини*

### Мустақилликнинг 21 йиллиги

*билан муборакбод этади ва миллий валютадаги янги муддатли  
омонатни амалга киритилганини маълум қилади:*

#### “ИСТИҚЛОЛ”

- сақлаш муддати — 3 ой;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади;
- фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

*Омонатларга маблағ қабул қилиш 2012 йилнинг 20 августидан  
1 октябрга қадар амалга оширилади.*

**Ҳамда миллий валютадаги омонатнинг муддати  
узайтирилганини маълум қилади:**

#### “ҲАЗИНА”

- сақлаш муддати — 5 ой;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг,  
талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлашувисиз, тўланади;
- омонатга маблағ қабул қилиш 2013 йилнинг 31 январига  
қадар амалга оширилади.

*Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар  
фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!*

*Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки  
Банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.  
[www.nbu.com](http://www.nbu.com)*

## “ХОРАЗМ ГИЛАМЛАРИ” МЧЖ ЖАМОАСИ ВА КОРХОНА ҚОШИДАГИ ЎЗМТДП БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

*Шу табаррук ва мўътабар заминда  
яшаётган барча юртдошларимизни*

### МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 21 ЙИЛЛИК

*байрами билан муборакбод этади!*

*Халқимизнинг ислохотлар йўлидаги ишлари  
янада ривож топаверсин.*

# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

## "БУХОРОПАХТАСАНОАТ"


*ХУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК  
БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ*

*Меҳнатсевар халқимизни  
Истиқлол байрамининг*

## 21 йиллиги

*билан самимий табриклайди!*

*Бахт ва қувонч сизларга доимо ҳамроҳ  
барча яхши ниятларингиз ижобат  
бўлишини тилаб қоламиз.*



**ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ  
БАЙРАМ МУБОРАК!**

## Ҳар гўшада байрам шукуҳи

Энг улуг, энг азиз байрам шукуҳи юртимиздаги ҳар бир хонадонга кириб бормоқда. Бундай кўтаринки кайфият шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда, ўқув юртлари ва тиббиёт муассасаларида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларда ҳам ўз аксини топаётир.

Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Новқа қишлоғида пойтахтимиздан келган шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист М.Мухторова, шоира З.Мир-

заева ва бошқалар истиқлол йиллари туманда, жумладан, қишлоқда қурилиш, ободонлаштириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш борасида кенг қўлмали ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлади. Истиқлолни мадҳ этувчи шеърлар, куй-қўшиқлар янгради.

Бундай учрашувлар вилоятнинг барча туманларида бўлиб ўтмоқда. Шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар Фориш, Ғаллаорол, Янгибод туманларининг олис қишлоқларида, Арнасой, Пахтакор,

Зафаробод туманлари пахтакорлари ҳузурда бўлиб, самимий суҳбатлар ўтказмоқда. Учрашувлар энг чекка қишлоқларда ташкил этилаётгани аҳоли, айниқса, ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Тадбирларни ташкил этишда вилоят маънавият ва тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вақиллари фаоллик кўрсатмоқда.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,  
Ўза муҳбири**



## XALQ BANKI

**ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ**  
*жамоаси барча юртдошларимизни*

**Истиқлолимизнинг 21 йиллиги**  
*билан табриклайди!*

Байрам муносабати билан Сиз азизларга янги "Болажонга мадад" жамғарма ҳамда "Оила манфаати" муддатли омонатларини таклиф этади.

Омонатларга маблағлар банкнинг филиаллари томонидан миллий валютада чекланмаган миқдорда нақд ва нақд пулсиз шаклда қабул қилинади.

Маблағларингизни мазкур омонатларда сақлаб даромад олинг, имкониятни қўлдан бой берманг!



Доим Сиз билан бирга

## "НАВБАҲОР ПАХТА ТОЗАЛАШ" МЧЖ ЖАМОАСИ

*Серқуёш Ватанимизда яшовчи юртдошларимизни*

*Энг улуг, энг азиз —*

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИК

*байрами билан табриклайди.*

Истиқлол айёми ҳар бир хонадон ва жамоага қут-барака келтирсин.



**БАРЧАГА БАЙРАМ МУБОРАК!**

## ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

Очиқ акциядорлик тижорат  
“АСАКАБАНК” ЖАМОАСИ

21  
ЙИЛ

Энг улуғ, энг азиз айём –  
Мустақиллик байрами  
билан муборакбод этади.

Юртимиз тинч-осойишта, дастурхонимиз  
тўкин-сочин, келажагимиз  
бундан-да ёруғ ва порлоқ бўлсин.

БАЙРАМ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

● ЖАРАЁН

## Ислохотлар самараси

ҲАР БИР ИШИМИЗДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА

Юртимиз йилдан-йилга обод бўлиб, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалиб бормоқда. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида ҳатто олис қишлоқларимиздаги турмуш шароити шаҳарникидан қолишмайди даражада юксалди. Жумладан, қишлоқларимиз газлаштирилди, тоза ичимлик суви билан таъминланди, врачлик пунктлари, замонавий мактаб, коллеж, спорт мажмуаси, текис ва раво йўллар барпо этилди. Бундай бунёдкорлик ишлари ва ислохотлар замирида фуқароларга муносиб турмуш шароити яратиш каби эзгу мақсадга давлатимиз томонидан катта аҳамият берилганлигини кўриш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ана шундай яратиш ва бунёдкорлик ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2011 йилнинг март ойида Нукус шаҳри “Қаратов” посёлқасидаги 14-сон умумий ўрта мактаб ўғил-қизларининг мурожаати асосида “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари статуслари тўғрисида”ги Қорақалпоғистон Республикаси қонунининг 5, 8-моддаларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига депутатлик сўровномаси киритилди. Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги томонидан компьютер техникалари ажратилиб, “Қаратов” посёлқасидаги 14-сон умумий ўрта таълим мактабидаги битта хона махсус жиҳозланди. Шунингдек, ушбу посёлқада яшовчи халқ номидан фуқаролар йиғини раисининг посёлқада тозалик, аҳоли тинч-

лигини ва йўл ҳаракати хавфсизлигини сақлаш масалаларидаги муаммолар тўғрисидаги мурожаати асосида Нукус шаҳар ирригация тармоқлари бўлимига посёлқа ҳудудидаги кол-лекторларни тозалаш (қазिश), “милиция таянч пункти”ни ташкил қилиш масаласида Нукус шаҳар ички ишлар бўлимига, йўл ҳаракати ҳодисаларининг олдини олиш масаласида амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига депутатлик сўровномалари юборилди. Бундан ташқари, Хўжайли туманидаги 48-сонли “Аэропорт” сайлов округи сайловчиларининг мурожаати асосида нуруний оталаримизга қулайликлар яратиш мақсадида кўчалардаги ёриткич ускуналари ал-

маштирилди. Ҳудуддаги “Оталар чойхонаси”нинг ички электр таъминотини тўлиқ таъминлаш ишлари амалга оширилиб, узлуксиз электр энергияси билан таъминланмоқда.

Нукус шаҳри Мовароуннаҳр кўчаси 97-уй, 3-хонадонда яшовчи фуқаро Ю.Абдуллаевнинг шаҳар ҳудудидаги янги турар жойлардан уй ажратиш масаласидаги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига мурожаати тегишли идоралар раҳбарлари ва вакиллари иштирокида кўриб чиқилиб, ўз ечимини топди.

Бугунги кундаги муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифалардан бири аҳолини иш билан таъминлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилди. Хусусан, 2011 йил бошида 57 та фуқаро касаначилик асосида ишга жойлаштирилган бўлса, йил давомида кўшимча 15 та янги иш ўрни очилиб, жами 72 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Жорий йил давомида кўшимча 10 та янги иш ўрни очилиб, бундан ташқари сони 79 тага етказилди. Ўқув юрти битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласида ҳам жонбозлик кўрсатилмоқда. Масалан, 2011 йилда жамиятга бириктирилган 8 та коллеж битирувчиларидан 55 нафар талаба ишга қабул қилинди. Бошқа коллеж битирувчилари

улар қатори ишли бўлди. Шу тариқа жорий йилда бириктирилган 9 та коллеждан 68 нафар битирувчини иш билан таъминлаш режалаштирилмоқда, бугунги кунга қадар уларнинг 40 нафари билан шартномалар тузилиб, 7 нафари ишга жойланди.

Аҳолининг турмуш шароитини энгиллаштириш масалаларидан энг муҳими — бу электр энергияси билан таъминлашни янгиланган тартибда йўлга қўйилишидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 декабрдаги “2011-2015 йилларда кичик вольтли линияларни янгилаш ва модернизациялаш дастури тўғрисида”ги 294-сонли қарорига мувофиқ соҳада модернизациялаш ва янгилаш ишлари олиб борилмоқда.

Иқтисодий-ижтимоий масалалар билан бирга маънавий-маърифий вазифалар ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Жумладан, Давлатимиз раҳбарининг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарини мазмун-моҳиятини аҳоли, хусусан, ёшлар орасида тушунтириш, энг долзарб масалалар юзасидан талаба ҳамда ёш сайловчилар билан учрашувлар ташкил қилиниб, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигидаги ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш ишлари ҳам бу каби тадбирларнинг самарали ўтишини таъминламоқда.


**Ҳожирахмет ЖАҚСЫМОВ,**  
Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси бошқарма бошлиғи,  
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидagi УЭМТДП фракцияси аъзоси

“ҚОРАҚАЛПОҚ ҲУДУДИЙ  
ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ  
КОРХОНАСИ” ОАЖ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни  
Ватанимиз

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
21 ЙИЛЛИК

байрами билан  
самимий қутлайди.



# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

## “NAVOIYAZOT”

**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**



*Энг улуг, энг азиз байрамимиз —*

**Мустақиллигимизнинг**

**21 йиллик**

*шодиёнаси билан муборакбод этади.*

Ушбу нурафшон кунларда барчага мустаҳкам соғлик, яхши кайфият, оилавий бахт-саодат, каттадан-катта муваффақиятлар тилайди.

**ИСТИҚЛОЛИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!**

**НАВОИЙ ШАХРИДАГИ “КАМИЛЛА” МЕҲМОНХОНАСИ ЖАМОАСИ**

*Барча юртдошларимизни ва азиз меҳмонларни*

**Истиқлол байрами**

*билан қутлайди.*



ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ  
ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!



*Истиқлолимизнинг 21 йиллиги*  
**Муборак бўлсин!**

**“ҲАМКОРБАНК” ОАТБ НУКУС  
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

*Барча юртдошларимизни ва  
банкимиз мижозларини*

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ  
21 ЙИЛЛИК**

*шодиёнаси билан қутлайди.*

*Мусаффо осмон, саховатли заминимиз узра  
тинчлигимиз абадий бўлсин.*



**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**



**Озод ва обод юрtda  
барчага бахтли ҳаёт тилаймиз!**

[www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz)

Хизматлар лицензияланган

YATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN



**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:** Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДИНОВ, Муҳаммадхон ҚУРОНОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолидин САФОЕВ

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Кабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47

Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқади.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 819, Адади — 5119. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.

**Навбатчи муҳаррир:** Эркин ДОРИПОВ

**Навбатчи:** Дилфуза РУЗИЕВА

**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ

**Электрон почта:** e-mail: [milliy@sarkor.uz](mailto:milliy@sarkor.uz)

Босишга топшириш вақти — 21.00.

Топширилди — 23.40.

ISSN 2010-7714

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ


# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗГА ХХІ ЙИЛ



### “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АК ЖАМОАСИ

Юрtdошларимизни энг улуз,  
энг азиз байраимиз билан  
самимий кутлайди.



„Матбуот тарқатувчи“ обунага, детакки,  
зиёга, маррифатга, маънавиятга кўмакки

# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

## ФАОЛИЯТ

**Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш, халқимиз турмуш даражасини янада ошириш, уни энг илғор мамлакатлар даражасига етказишга катта эътибор қаратилмоқда.**

Айниқса, илм-фан, маданият, янги техника ва технология, илмий ғоя ва кашфиётларни ишлаб чиқаришга дадил жорий этилаётгани кутилган самараларни бераётди. Қолаверса, юрт тараққиёти йўлида гайратшижоатга тўла ёш кадрлар салоҳиятидан унумли фойдаланилмоқда. Буни мамлакатимизда ёш кадрлар тайёрлаш масаласига давлат сиёсати даражасида қаралаётганидан ҳам аниқлаш мумкин.

"Урганчтрансгаз" шўъба корхонаси мазкур йўналишлар бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Корхонамизнинг касб-хунар коллежлари билан яқин ҳамкорлиги бунга яққол мисол бўла олади. Бу йил корхонамиз Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган иккита касб-хунар коллежи билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзолади. Унга қўра, корхона ушбу коллежларни моддий-техника базасини такомиллаштириш, таълим ва тарбия жараёнига янги техника ва технологияларни жорий этиш, ўқитувчи ва мураббийлар малакасини ошириб бориш, коллеж ўқувчиларининг ишлаб чиқариш ва дипломлаштириш амалиётларини ташкил этишда яқиндан ёрдам бериш мажбуриятини олган. Шунингдек, корхонамиз ва унинг жойлардаги тизимлари касб-хунар коллежларини зарурий ўқув қуроллари, газ микродорини ўлчаш асбоби — интерферометр, вольтметр, амперметр, электрохимийвий химоя, сув ва электр таъ-

минотида ишлатиладиган ускуналарнинг намуналари, газ-компрессор дастгоҳлари, диффометр каби йигирма номдан ортиқ турли анжомлар билан таъминлайди. Амалиёт жараёнида корхонамиз томонидан тайинланган мутахассислар ушбу ўқув муассасаларида бўлиб, ўқув юрларини кўргазмаларни қурол, турли адабиёт ва ўқув қўлланмалари билан таъминланганлик даражасини ўрганиб, мавжуд камчиликларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Ўз навбатида, касб-хунар коллежлари ҳам корхона томонидан тақдим этилган ўқув ва кўргазмаларни қуролларни асраб-авайлаб, унинг жойлардаги тизим корхоналарида ишлаб чиқаришнинг янги йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш, мутахассислар малакасини янада ошириш масаласида яқиндан қўмақлашади.

Касб-хунар коллежлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида корхона раҳбарияти ва етакчи мутахассисларимиз мунтазам равишда ўқитувчи ўқувчилар билан учрашувлар ўтказиб туради. Бу каби тадбирларда ўқув жараёнини янада такомиллаштириш масаласи юзасидан илм даргоҳи вакиллари томонидан кўплаб таклифлар билдирилади. Масалан, яқинда Урганч шаҳридаги нефть ва газ саноати касб-хунар коллежида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Унда ҳозир бўлган шўъба корхонаси мутахассислари "Урганчтрансгаз" фаолия-



## Эътибор, эъзоз ва ғамхўрлик

### БОШ МАҚСАДИМИЗ

тининг тури, газ транзити жараёни, компрессор станцияларининг ишлаш жараёни, газ ҳайдашда қўлланиладиган техника ва технологиялар, замонавий дастгоҳлар хусусида маълумотлар беришди. Ўз навбатида ўқувчилар корхона вакилларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этидилар. Саволлар асосан, корхонадаги иш шароити, ишга жойлашиш билан боғлиқ талаблар, илмий ва амалий кўникмалар, касб маҳорати ва албатта, корхонанинг узоқ ва яқин келажакдаги тараққиёт режалари хусусида бўлди.

Мазкур касб-хунар коллежидан бу йил 151 нафар ўғил-

қиз битирди. Улардан 88 нафарига уч томонлама шартнома асосида вилоят корхона ва ташкилотларига ишга жойлаштириш масаласида кўмаклашди. Қўнғирот кимё саноати коллежи битирувчиларига ҳам бу борада амалий ёрдам берилди.

Корхонамизда коллеж ўқувчилари амалиётни мунтазам равишда ўташлари учун барча шароит яратилган. Ушбу амалиётлар даврида ёш мутахассислар иш жараёнини кузатиш билан бирга, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароитлари билан танишади. Улар газ транзити жараёнини амалга оширадиган цехларда бўлиб, газ

ҳайдашда қўлланиладиган дастгоҳ, уларнинг унумли ишлашини таъминловчи омиллар, мутахассисларнинг иш жараёнидаги хатти-ҳаракатлари, назорат-ўлчов асбобларининг ишлаш принципини бевосита кузатиб боришади. Қолаверса, соҳада кўп йиллардан бери ишлаб келаётган тажрибали ишчилардан маслаҳат ва йўл-йўриқ оладилар. Айтиш жоизки, ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилган бундай учрашувлар, энг аввало, ёшларнинг ҳаётга бўлган қарашлари, маънавий дунёсини бойитиш ва шакллантиришга хизмат қилади.

Энг муҳими, корхонамизда

касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга қабул қилишнинг аниқ механизми ишлаб чиқилди. Бундан буён тажрибали мутахассисларимиз коллеж битирувчиларининг яқиний имтиҳонларида қатнашиб, улар орасидан энг иқтидорли ёшлар танлаб, ишга тавсия этилади.

Ишга қабул қилиш жараёнида нафақат уларнинг назарий билими, балки ишлаб чиқариш амалиёти даврида орттирган тажрибаси ҳам инобатга олинади. Корхонамиз ана шу йўналишдаги ишларни келгусида ҳам давом эттиради. Чунки, эгалланган ҳар қандай билим амалиёт орқалигина янада мустақамланади.

"Урганчтрансгаз" шўъба корхонаси томонидан кейинги йилларда касаначиликни ривожлантириш, янги иш ўринлари очишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айни кунда 28 та касаначилик бўлиб, жорий йилнинг сўнги 7 ойи мобайнида 7 та янги иш ўрни яратилди. Булардан 6 таси боғдорчилик ва биттаси тикувчилик соҳасида. Йил охиригача бу кўрсаткич янада кўпаяди. Олти ой мобайнида касаначилик томонидан 31 миллион сўмлик иш бажарилди. Янгириқ туманида 5 гектар, Хива туманида эса 8,2 гектар майдонда янги боғ барпо этилди. Шунингдек, Қўнғирот туманида ёрдамчи хўжалиқларимиз учун 1 минг 11 гектардан ортиқ ер ажратилди. Шунинг 328,8 гектари экин ерлардан иборат. 66 бош қорамол, 300 бош қўй боқиб ҳам режалаштирилмоқда. 58 гектар ерда эса чорва учун озуқа экинлари экилди. 2,2 гектар майдонда иссиқхона барпо этилиб, маҳсулот етиштирило бошланди. Шу йилнинг ўзида 550 оила асалари парвариш қилиб, улардан 600 килограмдан ортиқ асал олинди. Полиэтилендан 22 тонна ҳосил олдиқ. Барча маҳсулотларимиздан ишчи-хизматчиларимизга ҳам тарқатилди.

Бир сўз билан айтганда, ёшларга бўлган эътибор, ишчи-хизматчиларимизни қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик қилиш корхонанинг доимий диққат эътиборида. Фурсатдан фойдаланиб барча юртдошларимизни, нефть-газ соҳасида хизмат қилаётган ҳамкасбларимизни энг улғу, энг азиз байрамимиз билан қизгин табриқлайман. Яратувчанлик, бунёдкорлик ишларида омад ва зафарлар тилайман.

**Иброҳим ҚОРАБОЕВ,**  
халқ депутатлари  
Хоразм вилояти Кенгаши  
депутати



# "УРГАНЧТРАНСГАЗ" ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Азиз Ватандошларимизни ва шу соҳада*

*хизмат қилаётган ҳамкасбларимизни энг улғу, энг азиз байрам —*

## ИСТИҚЛОЛНИНГ 21 ЙИЛЛИК

*шодиёнаси билан табриқлайди.*



**Ватанимиз равнақи ва оилангиз мустақамлиги учун қилаётган саъй-ҳаракатларингизга муваффақиятлар тилаймиз.**

# БАЙРАМ МУБОРАК!

# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

## ШУКРОНАЛИК

### Обод манзиллар

*Юртни обод қилиш иштиёқи хонадонлар, қишлоғу маҳаллалардан бошланиб мамлакат миқёсидаги хайрли ташаббусларга айланмоқда. Шу боис Ўзбекистонимизнинг қай бир гўшасига борманг, обод ва саришта кўчаларга, гуллаб-яшнаётган масканларга дуч келасиз. Бугун қадим ва навқирон Навоий вилоятининг қишлоқ ва туманларида ҳам катта ҳажмдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.*

Истиқлолимизнинг 21 йиллик шодиёналари арафасида Кони-мех туманидаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Икки қаватли муҳташам масканни бунёд этиш учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2 миллиард 112 миллион сўм маблағ сарфланди. 150 ўринга мўлжалланган мазкур мактабда ўғил-қизларимизнинг санъат сирларини пухта эгаллашлари учун

барча шарт-шароит яратилган. Хоналар кенг ва ёруғ бўлиб, мусиқий таълимнинг ўзига хос но-зик жиҳатлари ҳисобга олинган. Энди истеъдодли ёшларимиз ўзбек халқ чолғу асбоблари, хореография, фортепиано, тасвирий санъат сингари йўналишларида сабоқ олишади.

— Чиндан ҳам, бу ердаги қулайликлар ҳавас қилишга арзийди, - дейди биз билан суҳбатда "Оқ олтин XXI аср" МЧЖ раҳбари Ҳожи Мамедов. — Маз-

кур мактаб қурилиши март ойи-да бошланган эди. Жуда қисқа фурсатларда сифатли қилиб болажонларимизга байрам совғаси сифатида топшираёпмиз. Ишчиларимиздан Сайдулло Икромов, Бердимурод Қораев, Машраб Жумаев, Қахрамон Душанов қурилиш ишларини сифатли ва ўз вақтида бажарилишида жонбозлик кўрсатишди.

Болаларимизнинг истеъдоди, иқтидори ва кизиқишини юзага чиқаришга қаратилган бундай ислохотлар, хайрли ишларда иштирок этаётганимдан мамнунман. Ўтган йили шундай мактабни Навбахор туманида қуриб, фойдаланишга топширган эдик. Ҳар гал мусиқа мактаби олдида ўтарканман, янграётган доира садоларини эшитиб, кўнглим тоғдек кўтарилади. Юрт ободлигига улуш қўшаётганимдан хурсандман. Айни кунда Хатирчи туманида мактаб, намунавий турар-жой қурилишлари ҳам давом эттиряёпмиз.

Навоий шаҳри қиёфаси шу кунларда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Жорий йил май ойида "Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинларининг республика

босқичига мезбонлик қилди. Ёшларимизнинг ана шу бетакрор байрами сабаб шаҳарда катта миқёсда қурилиш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Айниқса "Умид" қўғонида Навоий вилоят капитал қурилиш инжиниринг компанияси буюртмасига кўра янги барпо этилган Олий спорт маҳорат мактаби ёшлар учун муносиб совға бўлди. Қурилиш ишлари Акбар Бойматов раҳбарлигидаги "Пахлавон" хусусий фирмаси курувчилари томонидан бажарилган бўлиб, 5 миллиард 442 миллион сўм маблағ сарфланди. Мазкур иншоотда 7 та спорт зали мавжуд. Бу ерда болажонлар тажрибали мураббийлар кўмагида қиличбозлик, юнон-рум кураши, дзюдо, бокс, спорт ва бадий гимнастика, волейбол ва оғир атлетика каби спорт турлари билан шугулланишлари мумкин. Умид қиламизки, бундай спорт мажмуалари ёш талентларни кашф этишда, мамлакат, Осиё ва жаҳоннинг бўлғуси чемпионларига қанот берадиган парвоз майдониغا айланади.

Эркин ДОРИПОВ,  
"Milliy tiklanish" муҳбири

### “ЯККАБОҒ ҚЎРҒОНИ” ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

*Халқимиз ва юртимиз меҳмонларини*

## МУСТАҚИМЛИКНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ

*байрами билан муборакбод этади.*

### ЭЛУ ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСУДА БЎЛСИН!



### “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ БУХОРО ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Жонажон Ўзбекистонимизнинг бағри кенг, меҳнатсевар, саховатли халқини*

## Мустақимлигимизнинг 21 йиллик

*шодиёнаси билан қизғин табриклайди!*

### БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!




### САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ “ДАКА-ТЕХ” ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Ватанимизнинг улуғ айёми —*

## 21 йиллиги

*билан табриклайди.*

*Сиз ва оилангизга соғлиқ, ишларингизга омад тилайди.*



**ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ****“ФАРФОНАПАХТАСАНОАТ”  
ХУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК  
БИРЛАШМАСИ  
ЖАМОАСИ**

*Ватандошларимизни  
Истиқлолнинг  
21 йиллиги  
билан табриклайди.*

*Ўзбекистонимизни  
тинчлик,  
осойишталик  
тарқ этмасин.*


**БАЙРАМ МУБОРАК!**

**“NAMANGAN KO`CHMAS MULK  
VA SARMOYALAR AGENTLIGI”  
МЧЖ ЖАМОАСИ**

*Мустақиллигимизнинг  
21 йиллиги*

*байрами билан барча юртдошларимизни  
самимий табриклайди.*

*Гўзал юртимиз жамоли чирой очаверсин.  
Жаннатмакон юртимизга ҳеч  
қачон кўз тегмасин!*



*Айни кунларда энг улуг  
ва азиз байрамимиз  
Ўзбекистон Республикаси  
Мустақиллигининг 21  
йиллик шодиёнасига  
катта тайёргарлик  
кўрилмоқда. Утган қисқа  
вақт ичида мамлақати-  
миз ижтимоий-иқтисо-  
дий, сиёсий, фан-техника,  
спорт, санъат, таълим  
каби соҳаларда улкан  
ютуқ ва натижаларга  
эришди. Эришилаётган  
ютуқларда меҳнаткаш  
халқимиз қатори ёш  
авлод вакиллариинг ҳам  
ўзига яраша ҳиссаси бор.  
Бу албатта юртимизда  
ёшларга берилаётган  
эътибор ва ишончинг  
маҳсулидир.*

Бугун ана шундай ёшлар са-  
фида менинг ҳам борлигим кат-  
та қувонч бағишлайди. Истиқлол  
тенгдоши эканлигим ва муста-  
қиллик берган чексиз имконият-  
лардан баҳраманд бўлаётганим  
менда фахр туйғусини уйғотади.

**● ИФТИХОР****Юртимга муносиб ворис бўламан**

Мақтабда таҳсил олган йил-  
ларимда мактаб миқёсидаги бир  
қанча тадбир ҳамда танловлар-  
да фаол қатнаша бошладим.  
Шунингдек, Япониядан ташриф  
бурган юртимиз меҳмонлари-  
нинг “Children of Uzbekistan”  
 (“Ўзбекистон болалари”) номли  
танловида иштирок этдим ва  
совриндор бўлдим. Мактабни  
аъло баҳоларга тамомлаб, Тош-  
кент иқтисодиёт коллежига  
ўқишга қабул қилиндим. Илк ўқув  
йилидан бошлаб коллеждаги  
маънавий ва маърифий тадбир-  
лар қатнашчиси ва коллеж “Ли-  
дер қизлар” клубининг етакчиси  
бўлдим. Ҳозирда Тошкент дав-  
лат иқтисодиёт университети  
талабасиман. Юртимиз муста-  
қиллигининг ўн тўққиз йиллик  
шодиёналари арафасида тала-  
балик бахтига мушарраф бўлган  
мени ва оила аъзоларимни  
чексиз қувонтирди.

Халқимиз азал-азалдан ўзи-  
нинг меҳнатсеварлиги, уста

хунармандлиги билан ном чи-  
қарган. Оилада фарзанд дунёга  
келар экан, ота-она унга аждод-  
ларидан мерос бўлиб келаётган  
бирор касб ёхуд хунар сирлари-  
ни ўргатишни одат қилади. Нега-  
ки хунар инсоннинг ҳаётида бир  
умрга асқотувчи ҳамроҳ ҳисоб-  
ланади. Билим олиш билан бир-  
га хунар сирларини ўрганишга  
ҳам ҳаракат қиламан. Қўлда мун-  
чоқ ясаш ва тиқиш, қадимий гил-  
лам тўқиш санъатидан хабардор-  
ман. Шу сабабли, Республика  
“Хунарманд” уюшмасининг Тош-  
кент шаҳар бўлимига аъзо  
бўлдим. “Кўли гулдор ўзбек  
аёлин” номли кўрганмада ишти-  
рок этиб, Ўзбекистон Хотин-қиз-  
лар кўмитаси ҳамда Республика  
“Хунарманд” уюшмасининг фах-  
рий ёрлиги ва қимматбаҳо сов-  
ғасига сазовор бўлдим.

Энг ҳаяжонлиси, Мустақиллик  
байрами арафасида Давлатимиз  
раҳбари Ислам Каримов даст-  
хатлари битилган “Юсак маъ-

навият — енгилмас куч” асари ва  
мактубини олдим. Бу нафақат  
менинг, балки курсдош дўстлар-  
рим ва оила аъзоларим учун ҳам  
қувончли воқеа бўлди. Биргина  
шу мисолнинг ўзи ҳам юртимиз-  
да биз ёшларга ҳукуратимиз ва  
шахсан Президентимиз томони-  
дан юсак эътибор қаратилаёт-  
ганидан далолатдир.

Президентимиз ўзларининг  
хар бир учрашув ва нутқларида  
ёшларга алоҳида эътибор қара-  
тадилар. Биз ёшларнинг мам-  
лакатимизда озод ва обод жа-  
мият қуришда асосий куч сифа-  
тида майдонга чиқишимиз, юр-  
тимизнинг илғор мамлакатлар  
қаторидан жой олишига ўз ҳис-  
самизни қўшишимиз ва бутун  
куч-ғайратимизни аямасдан, юр-  
тимизни тараққий эттириш йўли-  
да саъй-ҳаракат қилишимизда  
мамлакатимиз раҳбарининг  
сўзлари қанот, далда бўлиши  
шубҳасиз.

**Анора ЭШНАЗАРОВА**

**ҚИЗИЛТЕПА ТУМАН ТИББИЁТ  
БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ**

*Барча ўзбекистонликларни,  
юртимиз меҳмонларини*

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ****21 йиллиги**

*муносабати билан табриклайди.*



*Сизларга омад, соғлик, бахт,  
Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши  
йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда  
муваффақиятлар тилайди.*

**ИСТИҚЛОЛИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!**